

Қ А Р О Р

(мажбурий тартибда даволанишга юбориш ҳақида)

2025 йил апрель ойининг 1 куни, жиноят ишлари бўйича Қува туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи - туман судининг раиси А.Рахимов, судья ёрдамчиси И.Усмоновнинг котиблигида, фуқаро О.Сапаров ва Қува тумани ИИБ ХПБ профилактика инспектори Д.Сиддиқовнинг иштирокида, Қува туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунига асосан фуқаро Сапаров Олимжон Камчиевични мажбурий даволанишга юбориш ҳақидаги 2025 йил 31 мартдаги тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқди.

Сапаров Олимжон Камчиевич - 1971 йил 13 июнь куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Қува тумани, Пандигон МФЙ, Қирғизмаҳалла кўчаси, рақамсиз уйда яшайди.

Суд, суд мажлисида фуқаро Г.Сапарова ва Қува туман ИИБ ХПБ профилактика инспектори Д.Сиддиқовнинг кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги йиғилган ҳужжатларни текшириб, чиқиб

А Н И Қ Л А Н Д И:

Қува туман ИИБ томонидан фуқаро О.Сапаровга нисбатан тўпланган ҳужжатларда у мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилаётганлигини, спиртли ичимлик истеъмол қилишини ташлай олмаётганлиги, яшаш хонадонида мунтазам жанжал қилиб, оиласини тинчини бузиб, оиласини моддий таъминоти билан шуғулланмай қўйганлиги, тузалиш йўлига кирмаганлигини, бир неча марта даволанганлигини, шу сабабли уни мажбурий даволашга юборишни ва тартиби кучайтирилган ҳолда даволашни сўраган.

Суд, суд муҳокамасида аризачи Г.Сапарова ва профилактика инспектори Д.Сиддиқовнинг кўрсатмасини тинглаб, ишдаги йиғилган ҳужжатларни текшириб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра Қува туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топди.

Фарғона вилояти Наркология диспансерининг 2025 йил 25 мартдаги хулосасига кўра О.Сапаровни алкоголизмдан мажбурий даволанишга мухтожлиги аниқланган.

Фуқаро Г.Сапарова судда, ҳақиқатдан ҳам О.Сапаров унинг турмуш ўртоғи экани, О.Сапаров мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келиши, уйда хар куни жанжал қилиб, уйдаги пулларни ва буюмларни спиртли ичимлик ичишга сарф қилаётгани, ўз хоҳиши билан даволанмаётгани,



маст ҳолда кўни-кўшнилари ва оила аъзоларининг тинчлигини бузаётганини кўрсатиб, суддан О.Сапаровни мажбурий даволанишга юборишни сўради.

Профилактика инспектори Д.Сиддиқов судда, фуқаро О.Сапаровга нисбатан профилактика ишлари олиб борилганига қарамасдан уни устидан бир неча маротаба шикоятлар тушганлигини, ҳозирги кунда мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилаётганлигини, маст бўлиб қолиб яшаш хонадонида жанжал қилаётганлигини, фойдали меҳнат билан шуғулланмай кўйганлиги, спиртли ичимлик истеъмол қилишини ташлай олмаётганлиги, берилган танбех ва огоҳлантиришлардан тегишли хулоса чиқармаганлигини кўрсатиб, унга нисбатан мажбурий даволаниш тўғрисида қарор қабул қилишни сўради.

Суд, юқоридагиларга кўра, фуқаро О.Сапаров мажбурий даволанишга муҳтож, ўз ихтиёрига кўра даволанишдан бош тортган, мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келганлиги учун суд уни мажбурий даволаниш учун юборишни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Қува туман ИИБнинг фуқаро Сапаров Олимжон Камчиевичга нисбатан алкогольизмдан мажбурий даволаниш учун юбориш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

О.Сапаров Фарғона вилоят Наркология диспансери мажбурий даволаниш бўлимига мажбурий даволаниш учун юборилсин.

Даволаниш муддати О.Сапаровни шифохонага ётқизилган кундан бошлаб ҳисобланиб кучайтирилган тартибда даволантирилсин.

Қарор нусхасини ижросини таъминлаш Қува туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан бошлаб, ўзига нисбатан чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан қарор кўчирма нусхасини олган кунидан эътиборан етмиш икки соат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Рахимов

Нусхаси аслига тўғри:

А.Рахимов

